

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017. Tib. 59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВА ДИЛОРОМ БЎРИТОШЕВНА

**ЭНДОГЕН УВЕИТЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ, КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ТАВСИФИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Файзиева Дилором Бўритошевна

Эндоген увеитларнинг диагностикаси, клиник-иммунологик
тавсифи, даволаниши ва профилактикаси.....3

Файзиева Дилором Буритошевна

Диагностика, клинко-иммунологическая характеристика,
лечение и профилактика эндогенных увеитов.....27

Fayzieva Dilorom Buritoshevna

Diagnostic, clinical-immunological characteristics,
treatment and prevention endogenous uveits.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017. Tib. 59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВА ДИЛОРОМ БЎРИТОШЕВНА

**ЭНДОГЕН УВЕИТЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ, КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ТАВСИФИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib47 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdsi.uz) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Халиджан Махамаджанович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Билалов Эркин Назимович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ишигов Ибрагим Огаевич
Тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон)

Етакчи ташкилот:

**РФ ССВ «Академик С.Н. Федоров номидаги
«Кўз микрохирургияси» ТИТК» МТТМ
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc. 28.12.2017. Tib. 59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Ташкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Ташкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.С. Касимова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда увеит кўз касалликлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Увеитлар кўзнинг яллиғланиш касалликлари ичида энг оғир шакли ҳисобланади, чунки улар этиологик омилларнинг кенг спектри, патогенези мураккаблиги, кўзда ногиронликка олиб келувчи кескинлашувларнинг кўп учраши билан фарқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... ҳар йили дунёда кўз касалликлари орасида увеит касаллиги билан хасталанган беморлар орасида 15% оғир асоратлар натижасида ногиронликни келтириб чиқармоқда»¹. Сўнгги йигирма йилда барча ёш гуруҳларида увеитлар билан касалланиш, уларнинг этиологик спектри ўсиши кузатилмоқда.

Жаҳон миқёсида кўз касалликлар, хусусан, эндоген увеит касалликлари эрта босқичда ташҳислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг етакчи мутахассислари офтальмологлар, генетиклар, иммунолог ва биолог олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида кўз қон томирли қавати яллиғланиш касаллигининг патогенези ва этиологиясига нисбатан қарашларни ўзгартириб юборди. Увеит кўз қон томирли қаватининг яллиғланиш касаллиги ҳисобланиб, келтириб чиқарувчи омилларнинг турли хиллиги ва оғир кечиши билан фарқланади. Кўз метаболизмнинг локал ўзгаришларини характерловчи биокимёвий тадқиқотлар учун очиқ биологик объект кўз ёш суюқлиги ҳисобланади. Кўз ёшидаги метаболик жараёнлар кўзда ҳам нормада, ҳам патологияда содир бўладиган алмашинув жараёнлари билан яқин боғлиқ. Кўз ёш суюқлиги таркиби турлича касалликларда тўқима даражасида ўзгариб боради. Кўз ёш таркиби ва кўз ички тузилишида содир бўладиган патологик жараёнлар ўртасида фарқ бор².

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан кўз касалликлар, хусусан, эндоген увеит касалликларида кечувчи иммунологик бузилишлар сабабларини аниқлаш, эрта ташҳислаш, даволаш ва реабилитация сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий

¹ World Health Organization website, 2014.

² Сенченко Н.Я., Щуко А.Г., Малышев В.В., 2014

ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»³ вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, эндоген увеитларни эрта даврида ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2650-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Офтальмологик касалликларнинг кенг тарқалганлиги ва интенсив ўсиб бораётганлиги ўзида катта ижтимоий муаммони ҳосил қилади (Данилевский Н.Ф. ва бошқалар, 2010; Рабинович О.Ф. ва ҳаммуаллиф, 2014; Yoshimura Y., et al., 2006). Сўнги йиллардаги тадқиқотлар этиологияси ва патогенезидан қатъий назар увеитларда иммун тизимининг ҳолати муҳим рол ўйнашини кўрсатди. Кўп муаллифларнинг ишларида Т-ҳужайра субпопуляциялар ортиқчалиги ёки етишмаслиги билан боғлиқ иммунитетни бошқаришдаги нотурғунлик, касалликка ташхис қўйиш ва терапия маҳсулдорлигини назорат қилишда комплекс ҳосилот тизимида гаммапатия ва бузилишларнинг аҳамияти кўрсатилган (Рябсева А.А., ҳаммуаллиф, 2007; Amer R, et al., 2007; Liao T et al., 2007; Ke Y et al., 2008; Manickam B. et al., 2011).

Сўнги йиллардаги тадқиқотлар организмнинг нормал ишлашида иммунитетда номуносивликнинг бўлмаслиги иммун ва эндокрин тизимларнинг ўзаро турғун ишлаши натижаси ҳисобланишига гувоҳлик қилмоқда (Воеводин Д.Н., Розанова Г.Н., 2006; Сичугов Г.В., 2006; Geyn S.V., 2007; Gerlo S. et al, 2006; Lau J. Et al, 2006; O'Connor J.S. et al, 2008), бу турғунликнинг бузилиши патологик жараёнлар ривожланишида муҳим рол ўйнаши мумкин. Кўзларнинг баъзи касалликларида гормонал оғишлар ҳақида маълум. Шундай қилиб, тажриба ва клиникада увеит клиник кечувининг оғирлиги билан гормонлар таркиби (Комаров О.С., 2006; Проенса Н. Ва бошқалар 2008), герпетик кератитнинг – тестостерон даражаси

³ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон Фармони

(Зайнутдинова Г.Х., 2002) ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган. Лекин яллиғланиш жараёнларида иммун ва эндокрин тизимларининг ўзаро таъсири ҳақидаги маълумотлар кам ва турли характерга эга (Chan C.C. et al, 2004; Sawood T.J. et al, 2006). Шунинг учун кўз қобиғида яллиғланиш жараёнларини иммунологик бошқарувини, шунингдек иммун ва эндокрин тизимларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи механизмлар кўп жиҳатдан аниқланмаган дейишга тўғри келмоқда.

Кўз қобиғида яллиғланиш ва дистрофик жараёнларда организмнинг асосий тизимлари ишида бузилишлар аниқланиши ташхис қўйиш, башорат қилиш ва патогенетик асосланган терапия қўллаш учун муҳим клиник аҳамиятга эга. Бу тизимларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш шунингдек кўз қобиқларида яллиғланиш касалликлари ривожланишида гомеостаз сақланишининг механизмларини, патогеник қонуниятларни тушуниш учун назарий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг №02090009-сонли “Умумий жарроҳлик ва тезкор тиббий ёрдамда янги технологиялар” (2012-2014-йиллар) илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эндоген увеитларнинг диагностикаси, клиник-иммунологик тавсифи, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иммун-яллиғланиш тавсифидаги эндоген увеитлар ривожланишининг этиологик омилларнинг аҳамиятини ретроспектив маълумотлар асосида таҳлил қилиш;

эндоген увеит билан касалланган беморларда иммун тизимнинг ҳужайра ва гуморал бўғими кўрсаткичларини таққосий баҳолаш;

эндоген увеит билан касалланган беморлар кўз ёш суюқлигида носпецифик резистентлик омиллари кўрсаткичларини аниқлаш;

иммун-яллиғланиш жараён тавсифини ўрганиш асосида эндоген увеит билан касалланган беморларда ташхисий мезонларини такомиллаштириш;

лейкоцитар индексларни ўрганиш асосида эндоген увеитларни ташхислаш учун компьютер дастури ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш;

вирус этиологияли увеит билан касалланган беморларда таклиф этилган патогенетик жиҳатдан асосланган комплекс даволаш ва профилактика усулининг клиник-иммунологик самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика клиник офтальмологик шифохонасида даволанган 81 нафар увеитли беморлар проспектив, 1174 нафар беморлар ретроспектив маълумотлари ва 21 нафар соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўз ёш суюқлиги, вена қони ва зардоби биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, офтальмологик, биокимёвий, иммунологик, проспектив, ретроспектив, ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўрув аъзолари қон томирли қаватининг яллиғланиш касалликларида маҳаллий ва тизим даражаларида патогенетик ноқулай реакциялар ривожланиб, улар қон зардоби ва кўз ёш суюқлигида ЛИИ, ИЛ-1 β , ФНО- α ва IgG миқдорларини ортиши билан намоён бўлиши исботланган;

ОРИ, ЛЭЧТНИ, ЛГИ, ЛИ кўрсаткичларни қўлланилиши эндоген увеитларга аниқ ташхис қўйишда, касаллик кечишини башоратлашга ҳамда беморларни даволаш муддатларини қисқартиришга олиб келувчи самарали даволаш усулини танлаш имконини берган;

Бактериал ва вирус этиологияли увеитларда ИЛ-1 β , аутоиммун этиологияли увеитларда эса ИЛ-4, С-реактив оқсил, ФНО- α , фибриноген ва неоптерин миқдорини ортиши билан намоён бўлувчи кўрув аъзолари қон томирли қаватининг маҳаллий иммун-яллиғланиш жараёнини ривожланишида организмнинг иммун ҳимоя тизимини аҳамияти аниқланган;

Вирус этиологияли увеитли беморларни даволаш негизида IgA, IgM ва IgG миқдорларининг камайиши, яллиғланиш маркерлари - неоптерин, ФНО- α ва фибриноген миқдорларининг камайиши аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагиларда акс этган:

эндоген увеитларда интраокуляр яллиғланишда кўзнинг маҳаллий иммун тизими ҳолати ва аутоантигенларга қаршилик механизмларининг таъсири аниқланган;

эндоген увеитлар билан касалланган беморларда касалликни эрта таққосий ташхислаш ҳамда ва уларга мақсадга йўналтирилган даволаш чораларини такомиллаштириш имконини берувчи компьютер дастури ишлаб чиқилган;

вирус этиологияли увеит билан касалланган беморларда кузатилган иммун-биокимёвий бузилишларни эътиборга олган ҳолда таклиф этилган даволаш усули касалликнинг асоратлари ва рецидивлар сонини камайтиришга кўмаклашади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, эндоген увеитларда олинган маълумотлар нафақат вирус, бактериял ва аутоиммун интраокуляр яллиғланиш, балки кўзнинг иммун тизими ва умуман аутоантигенларга қаршилик механизмини ишлаб чиқиш мақсадини тушунишга имкон яратилганлиги, ҳамда вирус этиологияли эндоген увеитларнинг даволаш негизида олинган натижалар интраокуляр яллиғланишга нисбатан иммунофармакологик самара қон ва кўз ёш суюқлиги ҳимоя тизимида аниқланган бузилишларни коррекциялашнинг мақсадга мувофиқлигини исботланишидан иборат.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, эндоген увеитли беморларда аниқланган клиник-иммунологик бузилишларни, интеграл лейкоцитар индексларни қўллаш орқали эрта таққосий ташхислаш усулини ҳамда вирус этиологияли увеитларни даволаш ва олдини олишнинг такомиллашган комплекс даво усулини тавсия этилишидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эндоген увеитларнинг диагностика, клиник-иммунологик тавсифи, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Эндоген увеитларнинг диагностикасида интеграл гематологик параметрлар” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8Н-р/280-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома эндоген увеитларнинг сабабларини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш, касалликни маҳсулдор даволаш ва унинг кескинлашувини олдини олишга хизмат қилади;

“Кўрув аъзоси вирусли касаллигини ташхислаш ва даволаш” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 13 октябрдаги 8Н-р/313-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома увеит касаллигини ташхислашни такомиллаштириш, даволашни муқобиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

Эндоген увеитларнинг диагностикаси, клиник-иммунологик тавсифи, даволаш ва профилактикасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика клиник офтальмологик шифохонаси, Жиззах, Навоий, Фарғона ва Самарқанд вилоят кўз касалхоналари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 февралдаги 8Н-з/21-сон маълумотномаси) Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касалликнинг асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларнинг стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманларида

муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш, шулардан 7 таси журнал мақолалари, шу қаторда 4 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида, улар фалсафа доктори диссертациясининг асосий илмий натижаларини оммалаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган (PhD).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланади, объекти ва предмети характерланади, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга киритилиши ёритилади, оммалаштирилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг биринчи **“Эндоген увеитлар муаммосининг замонавий ҳолати”** бобида адабиётлар ҳақида маълумот келтирилади. Бу бобда турли этиологияга эга увеитларнинг этиологияси ва иммунопатогенезлари, кўз зарарланганида иммун тизимнинг турли ҳалқаларининг патогенетик роли ва увеал трактнинг яллиғланишли зарарланишларини даволаш натижаларининг солиштирма таҳлили, терапиянинг маҳсулли методларини қидириш зарурияти таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи **“Эндоген увеитли беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** бобида фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари таърифланган. Махсус ишлаб чиқилган индивидуал харита ёрдамида 18 дан 50 ёшгача бўлган 102 бемор сўров ва кўрикдан ўтказилган. Барча беморларга клиник-офтальмологик, ускунавий текширув, иммунологик ва биокимёвий усуллар ўтказилган.

Касаллик ривожланишининг асосий патоген механизмларининг ўзига хослигини белгилаш учун турли этиологияга эга эндоген увеитларнинг клиник аломатлари, биокимёвий, иммунологик ривожланиш механизмларининг солиштирма таҳлили амалга оширилган.

Даволаш маҳсулдорлигини аниқлаш учун даволаш клиник самарадорлиги, касалликнинг даволашдан кейин ривожланишининг асосий патогенетик механизмлари ҳолатининг солиштирма таҳлили ўтказилган.

Ўтказиладиган даволаш усулига кўра беморлар 2 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – асосий (анъанавий даволанган) гуруҳ беморлари (32 бемор); 2-гуруҳ – анаънавий даволашга қўшимча тарзда 10 кун давомида кунига

1 таблеткадан 2 марта ичишга Коглумет таблеткаси, 15 кун давомида кунига 5-6 марта 2 томчидан конъюнктивал бўшлиққа Лактофлор препарати томчисини олган асосий гуруҳ беморлари (40 бемор).

Клиник тадқиқот беморлар ҳаётининг анамнезини тўплаш, касаллик давомийлигини аниқлаш, соматик патология билан олдинги ўтказилган даволашнинг кечувини аниқлашдан иборат бўлди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилган. Ўртача миқдорлар фарқининг ишончлилиги 95% ишончлилик интервалида Стъюдент мезони асосида баҳоланган ($P < 0,05$).

Диссертациянинг учинчи “**Эндоген увеит билан касалланган беморларнинг клиник-инструментал текширув натижалари**” бобида тадқиқот ўтказилган беморлар материалида келтирилган. Турли этиологияли увеитларнинг клиник турлари, жинс, ёш ва учраш сонининг солиштирма вазнини аниқлашда катта аниқликка эришиш мақсадида биз 2008-2012-йилларда Республика клиник офтальмологик касалхонасида бўлган беморларнинг 1174 касаллик тарихлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 2009 йилдан 2011 йилгача беморларнинг сони энг юқори нуқтага етган, 2012 йилдан эса беморлар сонининг сезиларли камайиши кузатилмоқда. Бунда 2012 йилда беморлар сони 2009 йилдаги билан таққослаганда 1,35 марта камайган.

Ёш тоифалари бўйича увеал тракт касалликларининг таҳлили беморларнинг энг катта солиштирма улуши энг меҳнатга лаёқатли даврга тўғри келишини кўрсатади. Бундан ташқари, ёш тоифаларини ортиши бўйича аёл жинсли касаллар сонининг ортиши аниқ кузатилган.

Турли этиологияли увеитлар клиникаси кўп жиҳатдан этиологик омилга боғлиқлиги маълум. Бу омиллар касаллик кечувини чуқурлаштириши ва турли кескинлашувлар, шу қаторда қабул қилинадиган дори воситаларидан салбий таъсирлар ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатни ҳисобга олиб, биз 2008 дан 2012 йилгача стационар даволашда бўлганларда sIgA қараб увеал тракт патологияларининг турли нозологик шакллариининг учраш сонини таҳлил қилдик.

Олинган натижалар кўрсатдики, увеал тракт патологияси бўлган 1174 кузатилган беморларда инфекция ва инфекция-аллергик эндоген увеитлар аниқланган – 523 (44,5%) ва 403 (34,3%) беморларда увеитлар тизимли касалликлар билан боғлиқ бўлди. Бундан ташқари, ўрганилган беморларда бир хил аллергия ва посттравматик увеитлар (56 бемор – 4,77%) аниқланган ва аниқланмаган этиологияли увеитлар 11,6% ҳолатда аниқланган (136 бемор).

Этиологик омиллар таҳлил қилинганида эса инфекция ва инфекция-аллергик эндоген увеитга эга беморлар орасида вирусли (ВПГ) – 123 (10,5%) ва ВПГ+ЦМВ – 106 (9,03%) беморда кузатилди. Тизимли касалликларга боғлиқ увеитларнинг нозологик шакллариини ўрганиш алоҳида қизиқиш

уйғотди ва ўрганилган беморлар ўртасида ревматоид этиологияли эндоген увеитли шахслар кўп бўлганлиги аниқланди, бунда ревматик касалликларда (ревматик артрит – 91 ва ревматизм – 96 бемор) ва Фогт-Коянаги-Харад синдромида – 114 бемор (9,14%) қайд қилинди.

Иммун гомеостазининг ифодаланган бузилишлари бўлган популяцияда иммун етишмовчилиги ҳолатлари ўсиши негизида кечувчи турли этиологияли увеитларни этиологик намоён бўлиш имкониятлари кенгайганлигини ҳисобга олиб, комплекс даволашга вирусга қарши препаратлар ва иммуномодуляторларни қўшган ҳолда кўзнинг ушбу патологиясини даволашда сифатли янги ёндашувни талаб қилади. Юқорида келтирилганлар кўзнинг яллиғланиш касалликларига ташхис қўйишга янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш, рецидивлар ва касаллик ривожланиш ҳолатларини камайтириш, оқибатларини яхшилаш мақсадида тўғри чораларни қўллаш учун башорат мезонларини ифодалаш зарурияти ҳақида гувоҳлик қилади.

1-жадвал

Турли генезли увеитларга эга беморларнинг шикоятлари (% да)

Шикоятлар	Бактериал этиологияли увеитлар	Вирус этиологияли увеитлар	Аутоиммун этиологияли увеитлар
Кўриш қобилиятининг қисман ёки тўлиқ йўқотилиши	28,9	36,7	39,9
Кўриш қобилиятининг ёмонлашуви ёки суст кўриш	16,5	19,2	26,9
Кўриш қобилиятининг тўсатдан пасайиши	8,33	11,04	7,96
Кўзда кўриш қобилиятининг пасайиши	4,16	6,44	5,0
Оғриқ синдроми	29,2	26,1	20,9
Кўзда оғриқ	25,0	20,4	18,9
Кўз олмасининг ҳаракатланишидаги оғриқ	4,16	5,74	2,0
Бошқа шикоятлар	53,6	48,3	58,2
Кўз ёшланиши	9,0	6,9	7,94
Ёруғликдан кўркиш	12,5	11,5	18,0
Шох парданинг хиралашиши	10,7	10,3	7,0
“Кўзда туман”	10,7	10,3	14,1
Хемоз	3,57	2,41	3,0
Кўзда ёт жисм сезиш	7,14	6,9	8,2

Биз турли этиологияли эндоген увеитлар билан касалланган 78 беморда касалликнинг клиник тавсифларини проспектив ўргандик: улардан – 24 бемор (47 кўз) бактериал этиологияли увеит, шундан 13 таси (41,0%) эркак ва 11 таси (45,9%) аёл; вирус этиологияли увеит – 32 (41,0%) бемор (59 кўз), бундан 15 (45,5%) эркак ва 17 (54,5%) аёл ва аутоиммун этиологияли увеит – 22 та (28,2%), улардан 10 таси (62,5%) эркак ва 12 таси (37,5%) аёл аниқланди. Барча тадқиқотлар 18 дан 50 ёшгача ўтказилди. Ўртача ёш $34,2 \pm 5,8$ ёшни ташкил қилди.

Этиологик омилга боғлиқ равишда касалликнинг турли нозологик шаклларнинг учраш сони натижаларининг таҳлили беморларнинг асосий гуруҳини вирус этиологияли беморлар ташкил қилганлигини кўрсатди. Шундай қилиб, герпетик увеитлар (ВПГ) ва аралаш этиологияли (ВПГ+ЦМВ) увеитлар деярли бир хил – мос равишда 12,8% ва 10,3% марта учради. Бактериал этиологияли увеитга эга беморларда касалликнинг асосий омиллари турли бактериялар, сил таёқчалари ҳисобланган, бу мос равишда 10,3% ва 7,0% ни ташкил этди.



Этиологик омилларнинг таҳлили тизимли касалликлар билан боғлиқ увеитларда касалликнинг асосий омиллари ревматоид артрит (14,1%), ревматизм (9,0%) ва Фогта-Коянаги-Харада синдроми (10,3%) ҳисобланганлигини кўрсатди. Увеал трактда яллиғланиш тракти жойлашувининг таҳлили 39 беморда олдинги увеитлар (48,7%), 14 (17,9%) беморда – периферик увеит, 25 (32,1%) беморда – орқа увеит кузатилганлигини кўрсатди.

Кўпинча увеит билан оғриган барча беморларда кўриш қобилятининг қисман ёки тўлиқ йўқотилиши ва оғриқ синдромига шикоятлар кузатилган.

Шу билан бирга беморлар шикоятининг бир қисми вирус этиологияли увеитга эга беморлардан кўра, аутоиммун этиологияли увеитга эга беморларда кўп учрашини (ёруғликдан кўрқиш, “кўзда туман”) айтиб ўтиш лозим. Барча гуруҳдаги беморлар хемоз, ёт жисм сезиш ва ёруғликдан кўрқишга камроқ шикоят қилишган (1-жадвал).

Кўз ичи босимини ўлчаш (КИБ), кўриқдан ўтказиш, офтальмоскопия ва бошқаларни ўз ичига олувчи объектив офтальмологик тадқиқотда касалланган кўзнинг (ёки икки томонлама шикастланган кўз), кўриш қобилятини қисман ёки тўлиқ йўқотишгача, кўриш қобилятлари анча пасайиши кузатилган (1-расм).

КИБ катталиги ва яллиғланиш жараёни бўлиши ўртасида эҳтимоли бўлган алоқани кузатиш жуда қизиқ бўлди, чунки увеитлар ва глаукома патогенези ўртасидаги ўзаро алоқа анча вақтдан давомида кузатилмоқда. Бунинг учун биз беморларнинг текширилган гуруҳларида КИБ юқорилигини таққослашни мақсадга мувофиқ ҳисобладик (1-расм). Тадқиқот натижаларига кўра, КИБ кўрсаткичари гуруҳлар ўртасида деярли фарқ қилмаган.



1-расм. Турли этиологияли увеитга эга беморларда кўриш ўткирлиги ва КИБ кўрсаткичи.

Шундай қилиб, турли этиологияли увеитларнинг клиник намоён бўлиши ифодаланган ўзига хосликларга эга эмас, бу ҳар бир патологияга хос, ривожланишнинг патогенетик механизмларини ўрганиш заруриятига йўналтирди.

Бактериал этиологияли увеитли беморларда лейкоцитлар таркибида нисбатан камроқ даражада ўзгаришлар аниқланган, бунда қолган гуруҳ беморларида лейкоцитлар миқдори меъёр чегарасида бўлган. Қон лейкограммасининг интеграл кўрсаткичларини ўрганиш натижалари қон лейкоцитларининг деярли бир хил даражасида этиологик омил турига қараб ўрганилаётган индекслар ўзгаришининг турли характери аниқланган. Шундай қилиб, бактериал этиологияли увеит мавжуд беморларда тўқима дегратация жараёни ва ЭИ – ЛИИ даражасини акс эттирувчи кўрсаткич назорат маълумотлари билан таққослаганда 2,11 марта юқори ва енгил даражали ЭИ бўлишида $2,73 \pm 0,22$ га тенг бўлган. Вирус ва аутоиммун этиологияли увеитли беморларда бу кўрсаткичнинг ўртача қиймати меъёр чегарасида аниқланган. Эндоген интоксикациянинг бартараф этилиш даражаси ва реактивлик маркерини – ИСЛК акс эттирувчи ПОН кўрсаткичи муносабатида ҳам шундай динамика кузатилди, уларнинг ўртача қиймати бактериал ва вирусли этиологияли беморларда мос равишда $15,5 \pm 3,6$ ва $3,0 \pm 0,23$ га тенг бўлди.

Вирус этиологияли увеитга эга беморларда ОРИ ва ИСЛК кўрсаткичларининг соғлом шахсларнинг маълумотларига мос равишда $44,3 \pm 4,4$ ва $1,38 \pm 0,31$ га пасайиши кузатилди. Инфекцион ёки аутоиммун жараёнлар билан боғлиқ интоксикация бўлишини акс эттирувчи – ЛЭЧТНИ ва ИЛГ натижаларининг таҳлилида бошқа ҳолат кузатилади. Шундай қилиб ушбу гуруҳ беморларида ЛЭЧТНИ $2,84 \pm 0,34$ га (назорат $1,57 \pm 0,32$) ва назорат гуруҳининг $4,91 \pm 0,48$ ($P < 0,05$) га қарши ИЛГ - $6,03 \pm 0,93$ га тенг.

Шундай қилиб, периферик қоннинг лейкоцитлар формуллари интеграл кўрсаткичларининг қўлланилиши ЭИ ҳолати ва организмнинг иммунологик реактивлик ҳолати ҳақида ахборот олиш имкониятини кенгайтиради, бу эса

увеитларнинг эрта ташхисини қўйиш имконини беради. Қоннинг лейкоцитлар формуласи интеграл кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини ўрганиш касаллик кечувини башорат қилиш ва ўтказилаётган даволаш маҳсулдорлигини назорат қилиш имконини беради.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида интеграл лейкоцитар индексларни қўллаш орқали “Турли этиологияли эндоген увеитларни ташхислаш дастури” номли компьютер дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурнинг функционал имкониятлари эндоген увеитга хос бўлган клиник белгилар мавжуд беморлар маълумотларини ва лейкоцитар индекслар натижаларини киритиш ҳамда уларнинг таҳлилдир. Ўрганилган кўрсаткичлар мажмуаси асосида бактериал, вирусли ва аутоиммун эндоген увеит ташхиси шакллантирилади.

Ушбу усулнинг қўлланилиши турли этиологияли эндоген увеитларга аниқ ташхис қўйишга имкон берди, ҳамда даволаш муддатларини қисқартириш ва беморни соғайишини тезлаштирувчи адекват самарали даволаш усулини танлаш имконини беради.

Тўртинчи **“Турли этиологияли увеитда иммун тизим ва яллиғланиш маркерлари ролининг солиштирма таҳлили”** бобида Th-1 ва Th-2 тизим ўзгариш тавсифи, шунингдек маҳаллий ҳимоя омиллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг таҳлили қонда ФНО- α даражасининг назорат гуруҳи билан таққослаганда яллиғланиш этиологияли увеит мавжуд беморларда статистик ишончли ўсиши ўртача 3 мартани ташкил қилди ($P < 0,05$). Бунда аутоиммун этиологияли увеит билан касалланган беморлар қонида ФНО- α концентрацияси нафақат назорат гуруҳидагилардан (5 марта), балки яллиғланиш этиология ЭУ эга гуруҳлардагидан 1,7 марта ошган ($p < 0,05$).

С-реактив оқсилнинг синтези ва секрецияси жигарда содир бўлади ва яллиғланиш цитокинлари, биринчи навбатда ИЛ-1, ИЛ-6, ФНО- α ва бошқалар билан назорат қилинади. Яллиғланиш касалликларида С-реактив оқсил концентрациясининг ортиши фақат унинг синтези фаоллашиши билан боғлиқ. Бунинг тасдиғи яллиғланиш этиологияли увеитга эга беморларда С-реактив оқсил концентрациясининг ортиши ҳисобланади, бунда оқсил даражаси назорат гуруҳи билан таққослаганда дастлабки қийматдан 20 марта ортиқ бўлди ($P < 0,05$). Адабиёт маълумотларига кўра, тўқималар зарарланганидан 4-6 соат ўтиб С-реактив оқсил миқдорининг ортиши кузатилади. С-реактив оқсилларнинг энг юқори даражада аутоиммун этиологияли увеитга эга беморлар гуруҳида кузатилди, уларда оқсил даражаси дастлабки даражадан 32 марта ортди ($P < 0,05$).

С-реактив оқсил даражаси билан бир қаторда яллиғланиш цитокинларига боғлиқ динамика кўрсаткичи цитокинларнинг эрийдиган рецепторлар даражаси, адгезия молекулалари ва неоптерин ҳисобланади. Сўнгисининг концентрацияси ортиши биологик суюқликларда ҳужайра иммунитетининг фаоллашувини акс эттиради. Неоптериннинг асосий

продуценти моноцитлар/макрофаглар, унинг синтезида энг муҳим индукторлар эса - ФНО- α (Th-1-цитокинлар) ҳисобланади, яъни неоптерин Th-1 типдаги иммун жавобнинг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг таҳлилида назорат гуруҳи билан таққослаганда инфекция этиологияли увеитли беморлар қонида неоптерин даражасининг 6 марта ортиши ҳақида гувоҳлик қилади, бунда аутоиммун этиологияли эндоген увеитда ушбу кўрсаткич $62,3 \pm 6,01$ нмол/л ни ташкил қилган ҳолда дастлабки даражадан 7,6 марта ортганлигини кўрсатди ($P < 0,05$), бу эса ҳужайра иммунитетининг фаоллашувини кўрсатади.

Яқин йилларда турли яллиғланиш касалликларида неоптерин даражасининг фибриноген даражаси билан корреляцияси ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Бу нуқтаи назардан турли этиологияли увеитда яллиғланишнинг ўткир фазаси – фибриноген реактантининг динамикасини кузатиш қизиқ бўлди. Олинган натижаларнинг таҳлили инфекция этиологияли эндоген увеитга эга беморларда ўрганилаётган реактант даражасининг назорат гуруҳи билан таққослаганда 34% га ортишини ва $3,31 \pm 0,21$ г/л га ($P < 0,05$) қарши $4,42 \pm 0,33$ г/л ни ташкил этишини кўрсатади. Фибриноген даражасининг энг юқори қиймати аутоиммун этиологияли увеитга эга беморларда кузатилди, бунда унинг қондаги концентрацияси ўртача $5,26 \pm 0,41$ г/л ни ташкил этди, бу дастлабки даражадан 59% кўп ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, олинган натижаларнинг таҳлили иммунитет тизими Th-1 тизимининг ўрганилаётган кўрсаткичлари турлича йўналганлиги ҳақида гувоҳлик қилади, хусусан увеитнинг инфекция этиологиясида ИЛ-1 β каби кўрсаткичларнинг ишончли ортиши кузатилди, бу вақтда аутоиммун этиологияда икки ўрганилаётган гуруҳлар солиштирилганда С-реактив оксил, ФНО- α , неоптерин, фибриноген ва ИЛ-4 даражасининг ортиши кузатилган.

Ўтказилган иммунологик тадқиқотлар турли этиологияли увеитга эга беморларда циркуляцияланувчи комплекслар ва антителолар даражасида ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. Шундай қилиб, олинган маълумотларнинг таҳлили (2-жадвал) бактериял, вирусли ва аутоиммун этиологияли увеит билан касалланган беморларда ЦИК назорат кўрсаткичларидан ўртача мос ҳолда 2,1, 2,3 ва 1,7 марта ошганлиги ва $25,2 \pm 1,22\%$, $27,2 \pm 1,31\%$ ва $20,4 \pm 0,81\%$ майда ЦИК га тенглигини кўрсатди. Ушбу ҳолатда майда ЦИК лар гематоофтальмик барьер орқали ўтиши ва томирли эндотелийси даражасида унинг ўтказувчанлигини ошириб, ҳужайра адгезия молекулаларини фаоллаштирган ҳолда ўзгаришлар чақириши мумкин. Аутоиммун этиологияли увеитли беморларда майда ЦИК ларнинг даражаси нисбатан пасайганлиги кузатилди, бу вақтда назорат гуруҳи билан таққослаганда унинг концентрацияси 70% ($P < 0,05$) га ошган.

**Эндоген увеитда иммунитет хужайра ва гуморал омилларининг
динамикаси**

Кўрсаткичлар	Соғлом шахслар (назорат) n=21	Бактериал этиологияли увеит (n=23)	Вирус этиологияли увеит (n=37)	Аутоиммун этиологияли увеит (n=21)
С-реактив оксил (мкг/мл)	5,6±0,34	92,0±7,83*	112,0±9,223*	180,6±11,2*
Ўсма некрози омили (ФНО-α) (пг/мл)	103,1±11,4	292,2±14,6*	304,2±17,6*	526,4±13,8*
Неоптерин (нмоль/л)	8,2±0,66	38,4±3,36*	49,4±2,31*	62,3±6,01*
Фибриноген (г/л)	3,31±0,21	4,22±0,33	4,42±0,28*	5,26±0,41*
ИЛ-1β (пг/мл)	5,21±0,83	27,8±2,01*	29,8±1,91*	3,34±0,42*
ИЛ-4 (пг/мл)	5,12±0,92	2,10±0,17*	2,29±0,12*	7,84±0,67*
ЦИК (майда) (%)	12,01±0,89	25,2±1,22*	27,2±1,31*	20,4±0,81*
ЦИК (йирик) (%)	33,4±2,11	39,6±2,43	42,6±2,49	96,5±7,01*
С3 комплемент компоненти(мг/дл)	168,4±7,02	104,9±7,04*	111,2±6,29*	110,4±7,04
Ig A (мг/дл)	136,9±9,07	258,4±11,4*	267,3±14,1*	276,4±12,8*
Ig M (мг/дл)	204,2±11,9	224,1±14,7	233,71±15,7	261,3±12,1
Ig G (мг/дл)	1184,3±16,7	1209,1±18,1	1252,1±22,31	1430,4±16,3*

Изоҳ: * - назорат гуруҳи билан таққослаганда фарқнинг ишончилиги (P<0,05).

А синф антителоларининг даражаси беморларнинг ўрганилаётган гуруҳида IgA ўсиш динамикасига эга бўлди. Шундай қилиб, бактериал этиологияли увеитда унинг концентрацияси дастлабки даражадан 1,9 марта ошди ва 258,4±11,4 мг/дл га тенг бўлди (P<0,05). Аутоиммун этиологияли увеитга эга беморлар конида IgA концентрацияси дастлабки қийматдан 2 марта ортди, бу вақтда олдинги гуруҳ билан таққослаганда у IgA кўрсаткичидан 7% га ошди. Умуман олганда беморларнинг икки ўрганилаётган гуруҳида А синфда иммуноглобулиннинг ишончли ўсишини кузатамиз. Агар IgA дан А секретор иммуноглобулин синтезланишини ҳисобга олсак, унда, қонда сўнгисининг ортиши секретор IgA синтезининг бузилиши билан шартланган бўлиши мумкин, бунинг динамика sIgA маҳаллий иммунитет динамикасини таҳлил қилишда тўхталамиз.

Увеитли беморларда М иммуноглобулинга нисбатан олинган маълумотлар таҳлилида ўхшаш динамикани кузатилди. Шундай қилиб, бактериал этиологияли увеитда антителоларнинг ўрганилаётган синф даражаси дастлабки қийматдан 10% ошди ва $224,1 \pm 14,7$ мг/дл ни ташкил этди. Аутоиммун этиологияли увеитга эга беморлар қонида IgM миқдори дастлабки даражадан 28% га ортди ва $261,3 \pm 12,1$ мг/дл га тенг бўлди. Сўнгиси, эҳтимол, аутоиммун этиологияли увеитга эга беморларнинг қонида аутоантигенлар даражасининг ортиши билан шартланган, чунки М иммуноглобулин қон тизими учун жавоб берувчи антижисмларнинг асосий синфи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг келтирилган натижаларидан кўришиб турибдики (2-жадвал), IgG динамикаси ўхшаш суратга эга бўлди, яъни турли этиологияли увеитга эга беморларда ошди. Шундай қилиб, бактериал ва вирусли этиологияли увеитларда у дастлабки даражадан 2% ва 2,7% га ошди ва назорат гуруҳидаги $1184,3 \pm 16,7$ мг/дл га қарши $1209,1 \pm 18,1$ ва $1252,1 \pm 22,31$ мг/дл ни ташкил этди, бу вақтда аутоиммун этиологияли увеитларда у дастлабки даражадан 21% ортди ($P < 0,05$). IgG нинг кузатиладиган динамикаси аутоиммун этиология увеитида гематоофтальмик тўсиқнинг юқори ўтказувчанлик фонида у унга кириши ва тўқималарда яллиғланиш ва десктрукция ҳосил бўлишига олиб келган ҳолда тўпланиши мумкинлиги ҳақида гувоҳлик қилади.

Шундай қилиб, иммунитетнинг Th-2 тизими кўрсаткичларининг ўзгариш характери бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида турли этиологияли увеитларнинг турли этиологик ривожланишида гуморал иммунитет кўрсаткичларининг фарқи ўрнатилган. ЦИК, IgA ва IgG нинг ортиши патогенетик омиллар ҳисобланади, бу вақтда C3 комплемент компонентларининг кўрсаткичлари унинг тез истеъмоли ҳисобига туширилган.

Гуморал иммунитет тизимида бузилишнинг патогенетик механизми, бизнинг фикримизча, турли этиологияли увеитнинг кўз соҳасининг яллиғланиш ва иммунокомпонент хужайралар инфильтрацияси ва ишга тушириш омиллари (кўзгатувчи липополисахариди, аутоантигенлар, интоксикация) ёки бу омилларнинг бирлиги туфайли келиб чиққан маҳаллий иммун тизим ривожланиши билан келиб чиқиши ҳисобланади. Ушбу фикрни тасдиқлаш учун биз кўз ёш суюқлигининг биокимёвий таркиби, яъни маҳаллий иммунитет ҳолатини ўргандик.

3-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларнинг таҳлили бактериал ва вирусли этиологияли увеитга эга беморларда интоксикация индексининг 3,0 ва 3,35 марта ортиқлигини кўрсатди ($P < 0,05$), бу вақтда аутоиммун этиологияли увеитга эга беморларда ўрганилаётган индекс назорат гуруҳи билан таққослаганда 22% га пасайган ($P < 0,05$), бу кўпроқ вирусли этиологияли увеитда ифодаланган ЭИ ни англатади.

Эндоген увеитда кўз ёш суюқлиги ва қоннинг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Соғлом шахслар (назорат) n=21	Бактериал этиологияли увеит (n=23)	Вирус этиологияли увеит (n=37)	Аутоиммун этиологияли увеит (n=21)
Лейкоцитар интоксикация индекси (ЛИИ)	0,37±0,04	1,11±0,10*	1,24±0,12*	0,08±0,01*
Аллергизация индекси (ИА)	0,92±0,04	0,44±0,03*	0,53±0,03*	1,92±0,21*
КС да ИЛ-1β, пг/мл	17,6±1,44	98,4±5,71*	108,4±8,91*	14,3±0,81*
ФНО-α, пг/мл	18,3±1,01	188,1±9,07*	198,6±9,07*	44,6±3,55*
КС да ИЛ-4, пг/мл	13,8±1,33	7,66±0,91*	8,22±0,88*	18,6±0,96*
sIgA, г/л	0,31±0,03	0,18±0,01*	0,22±0,01*	0,27±0,01
Қонда IgE, МЕ/мл	124,2±2,16	103,3±9,78	114,6±8,71	356,4±11,4*
КС да Ig E, МЕ/мл	12,9±2,01	16,9±1,14	18,6±2,52	44,9±3,51*

Изоҳ: * - назорат гуруҳи билан таққослаганда фарқларнинг ишончилиги (P<0,05).

Кўрсаткичлари бактериал ва вирусли этиологияли увеитда назорат гуруҳи билан таққослаганда 48% ва 53%га пасайган ўрганилаётган аллергияция индексига нисбатан қизиқ динамика кузатишган, аутоиммун этиологияли увеитга эга беморларда эса 2,1 марта ошган (P<0,05), бу аутоиммун этиологияли увеитда аллергияцияни англатади.

Сўнги йилларда меъерий ва патологик жараёнлар ривожланишида турли аъзо ва тизимларнинг функционал ҳолатини баҳолашда қонда бажарилган тестдан кўра кўп жиҳатдан маҳаллий даражада патологик жараён ривожланишини акс эттираётганлигига катта эътибор қаратилмоқда. Кўриш органига нисбатан тадқиқот учун энг очик биологик объект кўз ёш суюқлиги (КС) ҳисобланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, маҳаллий иммунитетни баҳолаш учун тадқиқот учун биологик субстрат сифатида бактериал, вирусли ва аутоиммун этиологияли увеит билан касалланган беморлардан КС олинди.

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўрганилган бактериал ва вирусли этиологияли увеит билан касалланган беморларнинг КС да ИЛ-1β асосий яллиғланиш цитокинининг концентрацияси назорат гуруҳи билан таққослаганда 6 ва 4,9 марта ошади (P<0,05). Ўрганилган

беморларнинг КС да ИЛ-1 β даражасининг ортиши 1 тур Т-хелперга иммун жавобнинг фаоллашуви билан асосланган ва бизнинг назаримизда, яллиғланиш жараёнининг ривожланиши билан ўзаро боғлиқ. Аутоиммун этиологияли увеитда КС да ИЛ-1 β концентрациясининг назорат гуруҳи билан таққослаганда 19% га пасайиш динамикаси кузатилган.

Яллиғланиш цитокинлари динамикаси бактериал этиологияли увеитда ИЛ-1 β га ўхшаш ҳолда ФНО- α га нисбатан ҳам кузатилди. Шундай қилиб, ушбу тоифа беморларда у дастлабки даражадан 22 марта ошди ($P < 0,05$), бу вақтда аутоиммун этиологияли увеитда бор йўғи 2,4 марта ($P < 0,05$). Қатор олимларнинг тадқиқотлари билан ИЛ-1 β ва ФНО- α мугуз ҳужайраларида ИЛ-8 нинг синтезига олиб келиши, бунда мугуз стромига яллиғланиш жараёнининг чуқурлашувида ИЛ-1 β нинг юқори роли кузатилиши кўрсатилган.

КС да масофа эффектини намоён қилувчи ва гематоофтальмик тўсиқ томир эндотелияси даражасида ўзгаришлар олиб келишга қодир ИЛ- β ва ФНО- α каби цитокинларнинг кузатиладиган гиперпродукцияси унинг ўтказувчанлигини оширади, ҳужайра адгезив молекулаларини фаоллаштиради, шу тариқа, яллиғланиш ҳужайраларини кўзга миграцияланишига олиб келади. КС да яллиғлантирувчи цитокинлар даражасининг ошишига сабаб аутоантигенлар, инфекцион агентлар, токсинлар бўлиши мумкин.

КС тадқиқотлари натижаларининг таҳлили инфекцион этиологияли увеитда КС иммуноглобулин Е нинг 44% га ва аутоиммун этиологияли увеитда 3,5 марта ошганлигини, инфекцион этимологияда қонда IgЕ концентрациясининг 9% га камайганлиги ва аутоиммун этиологияли увеитга эга беморлар қонида IgЕ нинг аксинча 2,9 марта ошганлигини кўрсатди ($P < 0,05$), бу беморларнинг ушбу гуруҳида тезкор типли аллергия реакцияни кўрсатди. Ушбу фикр аллергия даражасининг ортиши билан ҳам тасдиқланди, буни эозинофилларга хемотаксик таъсир кўрсатади. Эҳтимол, иммунологик ҳолатда кузатилаётган ўзгаришлар бактериал этиологияли увеитга эга беморларда КС да sIgA даражасининг 42% га ва аутоиммун этиологияли увеитга эга беморларда – 13% га пасайиши билан кузатилади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар кўзларнинг яллиғланиш касалликларида патогенетик салбий реакциялар ҳам маҳаллий даражада, ҳам КС да ЛИИ, ИЛ-1 β , ФНО- α , IgG ортиши билан ифодаланувчи тизимли даражада ҳам ривожланиши ҳақида гувоҳлик қилади, бу вақтда аутоиммун этиологияда қон ва КС да ИА, ИЛ-4, IgЕ нинг ортиши кузатилади.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг таҳлили бактериал ва вирусли этиологияли увеитли беморларда КС да лактоферрин даражасининг мос ҳолда 36,4% ва 60,8%га ишончли ўсишини кўрсатди ($P < 0,05$), бу вақтда аутоиммун этиологияли увеитда у соғлом шахслар билан таққослаганда 37% га ва беморларнинг олдинги гуруҳи билан таққослаганда 1,5 марта пасайди.

